ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДАГИ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ДОКТОРИНАЛАРИГА ИНТЕГРАЦИЯСИ

Жўрабоев Шахзодбек Ўктамович

мустақил тадқиқотчи

t12555624@gmail.com

Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20365118

Аннотация: Ушбу мақолада экологик хавфсизлик концепциясининг халқаро ҳуқуқдаги шаклланиш тарихи, эволюцион босқичлари ва миллий хавфсизлик доктриналарига интеграциялашув жараёнлари ўрганилган. Тадқиқотда 30 дан ортиқ илмий манбалар таҳлил қилиниб, экологик хавфсизликнинг анъанавий хавфсизлик парадигмасидан замонавий кенг қамровли ёндашувга ўтиш жараёни кўрсатилган. Натижалар шуни кўрсатадики, экологик хавфсизлик концепцияси 1970 йиллардан бошлаб сезиларли эволюцияни бошидан кечирди ва ҳозирги кунда кўплаб давлатларнинг миллий хавфсизлик стратегиялари ажралмас қисмига айланди.

Калит сўзлар: экологик хавфсизлик, халқаро ҳуқуқ, миллий хавфсизлик, иқлим ўзгариши, барқарор ривожланиш, инсон хавфсизлиги.

Кириш

Экологик хавфсизлик тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлиб, дастлаб анъанавий ҳарбий-сиёсий хавфсизлик парадигмасига муқобил сифатида шаклланди. Лестер Браун 1977 йилда “Миллий хавфсизликни қайта белгилаш” номли фундаментал асарида биринчи марта экологик омилларнинг миллий хавфсизликка таъсирини илмий асослаб берди[1] . Ушбу ғоя кейинчалик Ричард Уллман томонидан ривожлантирилди, у хавфсизликнинг кенгайтирилган таърифини таклиф қилиб, атроф-муҳит деградациясини ҳам хавфсизликка таҳдидлари қаторига киритди[2].

1987 йилда Брундтланд комиссиясининг “Бизнинг умумий келажагимиз” маърузаси нашр этилди, унда барқарор ривожланиш концепцияси биринчи марта расман белгиланди ва экологик хавфсизлик глобал кун тартибига киритилди[3]. Жессика Тучман Мэтьюз эса “Foreign Affairs” журналида хавфсизлик тушунчасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб, экологик омилларнинг геосиёсий аҳамиятини асослаб берди[4]. 1992 йилда Рио-де-Жанейродаги “Ер саммити” экологик хавфсизликни халқаро ҳуқуқнинг мустақил йўналишига айлантирди[5]. Копенгаген мактаби вакиллари Барри Бузан, Оле Вевер ва Яап де Вильде “Хавфсизлик: таҳлил учун янги асос” асарида хавфсизликнинг беш секторли моделини таклиф қилдилар, унда экологик хавфсизлик мустақил сектор сифатида ажратилди[6].

---

[1] Brown L.R. (1977). Redefining National Security. Worldwatch Paper 14. Washington, DC: Worldwatch Institute, p. 5.
[2] Ullman R.H. (1983). Redefining Security. International Security, 8(1), pp. 129-153.
[3] World Commission on Environment and Development (1987). Our Common Future. Oxford: Oxford University Press, p. 43.
[4] Mathews, J.T. (1989). Redefining Security. Foreign Affairs, 68(2), pp. 162-177.
[5] United Nations Conference on Environment and Development (1992). Rio Declaration on Environment and Development. UN Doc. A/CONF.151/26.
[6] Buzan, B., Wæver, O., de Wilde, J. (1998). Security: A New Framework for Analysis. Boulder: Lynne Rienner Publishers, pp. 71-93.

Тадқиқотнинг долзарблиги шундаки, ҳозирги кунда иқлим ўзгариши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, сув ресурсларининг танқислиги каби глобал экологик муаммолар миллий ва халқаро хавфсизликка тобора кучли таъсир кўрсатмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади экологик хавфсизлик концепциясининг халқаро ҳуқуқдаги шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини комплекс таҳлил қилиш, унинг миллий хавфсизлик доктриналарига интеграциялашув тенденцияларини аниқлаш ва Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш имкониятларини ўрганишдан иборат. БМТ Тараққиёт дастури (UNDP)нинг 1994 йилдаги “Инсон ривожланиши” тўғрисидаги маърузаси инсон хавфсизлиги концепциясини киритиб, экологик хавфсизликни унинг ажралмас қисми сифатида белгилади[7].

Методлар

Ушбу тадқиқотда экологик хавфсизлик концепциясининг эволюциясини ўрганиш учун комплекс методологик ёндашув қўлланилди. Тадқиқот методологияси қуйидаги асосий усулларни ўз ичига олади: тарихий-қиёсий таҳлил, контент-таҳлил, ҳужжатли таҳлил ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. Питер Глейк сув ресурсларининг халқаро хавфсизликдаги ролини таҳлил қилган тадқиқотида методологик ёндашувнинг муҳимлигини таъкидлаган[8].

Тарихий-қиёсий таҳлил усули орқали экологик хавфсизлик концепциясининг 1970 йиллардан ҳозирги кунгача бўлган эволюцион босқичлари ўрганилди. Ушбу усул орқали турли даврларнинг хусусиятлари, асосий назарий ёндашувлар ва амалий натижалари таққосланди. Париж келишувининг экологик хавфсизликка таъсири алоҳида таҳлил қилинди.

Контент-таҳлил усули ёрдамида 35 дан ортиқ илмий манба тизимли равишда таҳлил қилинди. Таҳлил қилинган манбалар қуйидаги категорияларга бўлинди: назарий-концептуал ишлар, эмпирик тадқиқотлар, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий хавфсизлик стратегиялари. Европа Иттифоқининг 2003 йилдаги хавфсизлик стратегиясида экологик таҳдидлар алоҳида таъкидланган[9]. АҚШнинг 2015 йилдаги миллий хавфсизлик стратегиясида иқлим ўзгариши стратегик таҳдид сифатида белгиланган[10].

Ҳужжатли таҳлил усули орқали асосий халқаро шартномалар, декларациялар ва миллий қонунчилик ҳужжатлари ўрганилди. Россия Федерациясининг миллий хавфсизлик стратегиясида экологик хавфсизлик алоҳида бўлим сифатида киритилган[11]. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа докторинаси”да ҳам экологик омиллар эътиборга олинган[12].

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил усули орқали турли давлатлар ва минтақаларнинг экологик хавфсизлик бўйича ҳуқуқий базаси таққосланди. Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлик тизимини шакллантириш тажрибаси ҳам таҳлил қилинди. Рита Флойд ва Ричард Мэтьюзларнинг экологик хавфсизликка бўлган турли ёндашувларни тизимлаштирган[13].

1 жадвал. Тадқиқотда қўлланилган методлар ва уларнинг мақсадлари

[7] UNDP (1994). Human Development Report. New York: Oxford University Press, pp. 22-40.
[8] Gleick, P.H. (1993). Water and Conflict: Fresh Water Resources and International Security. International Security, 18(1), pp. 79-112.
[9] European Union (2003). A Secure Europe in a Better World: European Security Strategy. Brussels, p. 5.
[10] United States National Security Strategy (2015). Washington, DC: The White House, pp. 12-13.
[11] Russian Federation National Security Strategy (2015). Presidential Decree No. 683, Art. 83-84.
[12] Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 09.01.2018 йилдаги ЎРҚ-458-сон.
[13] Floyd, R. & Matthew, R.A. (eds.) (2013). Environmental Security: Approaches and Issues. London: Routledge, pp. 1-20.

Метод	Мақсад	Қўлланилган манбалар
Тарихий-қиёсий таҳлил	Концепциянинг эволюцион босқичларини аниқлаш	Илмий монографиялар ва тарихий ҳужжатлар
Контент таҳлил	Илмий манбаларни тизимли ўрганиш	30 дан ортиқ илмий мақола ва китоблар
Ҳужжатли таҳлил	Ҳуқуқий базани ўрганиш	Халқаро шартномалар ва миллий қонунлар
Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил	Турли давлатлар таржибасини таққослаш	Миллий хавфсизлик стратегиялари

Манба: Муаллиф томонидан тузилган

Тадқиқотда Мария Тромбеттанинг экологик хавфсизлик ва иқлим ўзгариши дискурсини таҳлил қилган иши методологик асос сифатида қўлланилди[14].

НАТИЖАЛАР

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, экологик хавфсизлик концепцияси ўзининг эволюциясида учта асосий босқични босиб ўтди.

Биринчи босқич (1970-1990-йиллар): Бу даврда экологик хавфсизлик концепцияси шаклланиш босқичида бўлиб, асосан академик доираларда муҳокама қилинди. Жеффри Дабелко ва Дэвид Дабелконинг тадқиқотлари ушбу даврнинг асосий хусусиятларини акс эттиради. Асосий эътибор ресурслар танқислиги ва низолар ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга қаратилди. Кен Конка ва Жеффри Дабелко экологик тинчликни ўрнатиш концепциясини ишлаб чиқдилар[15].

Иккинчи босқич (1990-2010-йиллар): Бу даврда экологик хавфсизлик халқаро ҳуқуқнинг мустақил йўналишига айланди. БМТ Хавфсизлик Кенгашида иқлим ўзгариши масаласи муҳокама қилина бошланди. Ширли Скоттнинг тадқиқотида иқлим ўзгаришининг БМТ Хавфсизлик Кенгаши фаолиятига таъсири таҳлил қилинган[16]. Франк Бирманн ва Ингрид Боас иқлим қочоқларини ҳимоя қилиш учун глобал бошқарув тизимини таклиф қилдилар[17].

Учинчи босқич (2010-йиллардан ҳозирги кунгача): Экологик хавфсизлик миллий хавфсизлик доктриналарига фаол интеграциялаша бошлади. Анжела Оелснинг тадқиқотида секьюритизация (securitization) жараёнидан иқлимлаштириш (climatization)

[14] Trombetta, M.J. (2008). Environmental Security and Climate Change: Analysing the Discourse. Cambridge Review of International Affairs, 21(4), pp. 585-602.
[15] Conca, K. & Dabelko, G. (eds.) (2002). Environmental Peacemaking. Washington: Woodrow Wilson Center Press, pp. 1-22.
[16] Scott S.V. (2015). Implications of Climate Change for the UN Security Council. International Affairs, 91(6), pp. 1317-1333.
[17] Biermann, F. & Boas, I. (2010). Preparing for a Warmer World: Towards a Global Governance System to Protect Climate Refugees. Global Environmental Politics, 10(1), pp. 60-88.

жараёнига ўтиш таҳлил қилинган[18]. Йоханнес Стриппл иқлимни хавфсизлик масаласи сифатида кўриб чиқишнинг назарий асосларини ишлаб чиқди[19].

2 жадвал. Экологик хавфсизлик концепциянинг эволюцион босқичлари

Босқич	Асосий хусусиятлари	Асосий ҳужжатлар	Етакчи олимлар
I босқич (1970-1990)	Концепциянинг шаклланиши, академик мунозаралар	Брунтдланд маърузаси (1987)	Браун, Уллман, Мэтъюз
II босқич (1990-2010)	Институтлаштириш, халқаро ҳуқуққа киритилиши	Рио декларацияси (1992), Киото протоколи (1997)	Хомер-Диксон, Бузан, Далбй
III босқич (2010 йилдан ҳ.к.)	Миллий хавфсизликка интергация, амалий татбиқ	Париж келишуви (2015)	Макдональд, Флойд, Детраз

Манба: Муаллиф томонидан таҳлил асосида тузилган

Карстен Рённфельдт экологик хавфсизлик тадқиқотларининг учта авлодини ажратиб кўрсатган[20]. Венче Хауге ва Таня Эллингсен экологик танқисликдан низоларга олиб келувчи сабаб-натижа йўлларини ўргандилар[21].

Миллий хавфсизлик доктриналарини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги тенденциялар аниқланди. Биринчидан, ривожланган давлатларнинг аксарияти экологик хавфсизликни ўз стратегияларига киритган. Иккинчидан, иқлим ўзгариши энг кўп қайд этилган экологик таҳдид сифатида белгиланган. Учинчидан, минтақавий ҳамкорлик экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий механизми сифатида кўрилмоқда. Идеан Салехяннинг тадқиқотида иқлим ўзгариши ва низолар ўртасидаги боғлиқлик бўйича илмий консенсус ҳали шаклланмаганлиги таъкидланган[22].

3 жадвал. Турли давлатларнинг миллий хавфсизлик докториналарида экологик хавфсизлик

Давлат	Асосий ҳужжат	Экологик таҳдидлар	Интеграция даражаси
АҚШ	NSS 2015, 2017, 2021	Иқлим ўзгариши, сув танқислиги	Юқори

[18] Oels A. (2012). From 'Securitization' of Climate Change to 'Climatization' of the Security Field. In: Scheffran, J. et al. (eds.) Climate Change, Human Security and Violent Conflict. Berlin: Springer, pp. 185-205.
[19] Stripple J. (2002). Climate as a Security Issue. In: Page, E.A. & Redclift, M. (eds.) Human Security and the Environment. Cheltenham: Edward Elgar, pp. 105-127.
[20] Rønnfeldt, C.F. (1997). Three Generations of Environment and Security Research. Journal of Peace Research, 34(4), pp. 473-482.
[21] Hauge, W. & Ellingsen, T. (1998). Beyond Environmental Scarcity: Causal Pathways to Conflict. Journal of Peace Research, 35(3), pp. 299-317.
[22] Salehyan, I. (2008). From Climate Change to Conflict? No Consensus Yet. Journal of Peace Research, 45(3), pp. 315-326.

Европа Иттифоқи	ESS 2003, Global Strategy 2016	Иқлим, энергия хавфсизлиги, миграция	Жуда юқори
Россия	NSS 2015, 2021	Экологик офатлар, ресурслар хавфсизлиги	Ўрта
Хитой	Миллий хавфсизлик қонуни 2015	Экологик цивилизация ва ҳаво сифати	Юқори
Ўзбекистон	Мудофаа докторинаси 2018	Орол муаммоси, сув танқислиги	Ўрта

Манба: Муаллиф томонидан таҳлил асосида тузилган

1 расм. Экологик хавфсизлик концепциясининг эволюцияси ва миллий хавфсизликка интеграцияси

НАЗАРИЙ АСОС	ИНСТИТУТЛАШТИРИШ	ИНТЕРГАЦИЯ
(1970-1990)	(1990-2010)	(2010-ҳ.к.)
↓	↓	↓
Браун, Уллман, Мэтьюз, Мейрс	Рио, Киото, Копенгаген мактаби	Миллий докториналар, Париж келишуви

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Мухокама

Тадқиқот натижалари экологик хавфсизлик концепциясининг халқаро ҳуқуқда сезиларли эволюцияни бошидан кечирганлиги ва ҳозирги кунда глобал хавфсизлик архитектурасининг муҳим таркибий қисмига айланганлигини кўрсатади. Браун томонидан 1977 йилда илгари сурилган ғоялар бугунги кунда кўплаб давлатларнинг миллий хавфсизлик стратегияларида ўз аксини топмоқда.

Экологик хавфсизликнинг анъанавий хавфсизлик парадигмасидан фарқли жиҳатлари муҳокама қилинди. Анъанавий ёндашув асосан ҳарбий таҳдидларга қаратилган бўлса, экологик хавфсизлик ёндашуви кенг қамровли таҳдидларни қамраб олади. Уллманнинг кенгайтирилган хавфсизлик таърифи бугунги кунда амалий аҳамият касб этмоқда. Брундтланд комиссиясининг барқарор ривожланиш концепцияси экологик хавфсизликнинг назарий асосларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади. Копенгаген мактабининг хавфсизликлаштириш назарияси экологик муаммоларнинг хавфсизлик масаласига айлантирилиш жараёнини тушунишда муҳим назарий асос беради. Бироқ, бу ёндашув бир қатор танқидларга ҳам дуч келди. Хусусан, хавфсизлантириш жараёни баъзан экологик муаммоларни ҳарбийлаштириш хавфини келтириб чиқариши мумкин деб таъкидланган.

Миллий хавфсизлик доктриналарига интеграция бўйича қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, турли давлатлар экологик хавфсизликка турлича ёндашмоқда. Европа Иттифоқи энг юқори интеграция даражасини намойиш этмоқда, АҚШ стратегияларида

иқлим ўзгариши стратегик таҳдид сифатида белгиланган, Россия эса экологик хавфсизликни алоҳида бўлим сифатида киритган.

Ўзбекистон учун экологик хавфсизлик масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Орол денгизи муаммоси, сув ресурсларининг танқислиги, чўлланиш каби муаммолар минтақавий хавфсизликка бевосита таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасда экологик омиллар эътиборга олинган бўлиб, бу ижобий тенденция ҳисобланади. Мустақиллик давридан бошлаб миллий хавфсизлик тизимини шакллантириш тажрибаси экологик хавфсизликни янада чуқурроқ интеграция қилиш учун асос яратади.

4 жадвал. Экологик хавфсизликни миллий докторинага интеграция қилиш бўйича тавсиялар

Йўналиш	Тавсия	Кутилган натижа
Ҳуқуқий база	Экологик хавфсизлик тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш	Ҳуқуқий асоснинг мустаҳкамланиши
Институционал	Экологик хавсизлик бўйича махсус орган ташкил қилиш	Мувофиқлаштириш самарадорлиги
Минтақавий	Марказий Осиё минтақавий экологик тизимини яратиш	Минтақавий барқарорлик
Илмий	Экологик хавфсизлик бўйича илмий тадқиқотларни кучайтириш	Илмий асосланганлик

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Тадқиқот тўлақонли амалга оширишни чекловчи айрим омиллар мавжуд. Биринчидан, баъзи давлатларнинг миллий хавфсизлик ҳужжатлари умумий фойдаланиш учун очиқ эмас. Иккинчидан, экологик хавфсизлик ва низолар ўртасидаги сабаб-натижа боғлиқлиги ҳали тўлиқ исботланмаган. Флойд ва Мэтьюз таъкидлаганидек, экологик хавфсизлик соҳасида турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар баъзан бир-бирига зид хулосаларга олиб келади.

Келгусидаги тадқиқотлар учун бир нечта йўналишлар таклиф этилади. Биринчидан, Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлик тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Иккинчидан, Марказий Осиё давлатларининг минтақавий экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлигини ўрганиш. Учинчидан, иқлим ўзгариши ва минтақавий хавфсизлик ўртасидаги боғлиқликни эмпирик тадқиқ қилиш лозим. Тромбеттанинг иқлим ўзгариши дискурси бўйича таҳлили бундай тадқиқотлар учун методологик асос бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, экологик хавфсизлик концепцияси халқаро ҳуқуқда сезиларли эволюцияни бошидан кечирди ва ҳозирги кунда миллий хавфсизлик доктриналарининг муҳим таркибий қисмига айланди. Ўзбекистон учун экологик хавфсизликни миллий хавфсизлик тизимига янада чуқурроқ интеграция қилиш стратегик аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳуқуқий базани такомиллаштириш, институционал имкониятларни кучайтириш ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Brown L.R. (1977). Redefining National Security. Worldwatch Paper 14. Washington, DC: Worldwatch Institute, p. 5.
2. Ullman R.H. (1983). Redefining Security. International Security, 8(1), pp. 129-153.
3. World Commission on Environment and Development (1987). Our Common Future. Oxford: Oxford University Press, p. 43.
4. Mathews J.T. (1989). Redefining Security. Foreign Affairs, 68(2), pp. 162-177.
5. United Nations Conference on Environment and Development (1992). Rio Declaration on Environment and Development. UN Doc. A/CONF.151/26.
6. Buzan B., Wæver, O., de Wilde J. (1998). Security: A New Framework for Analysis. Boulder: Lynne Rienner Publishers, pp. 71-93.
7. UNDP (1994). Human Development Report. New York: Oxford University Press, pp. 22-40.
8. Gleick P.H. (1993). Water and Conflict: Fresh Water Resources and International Security. International Security, 18(1), pp. 79-112.
9. European Union (2003). A Secure Europe in a Better World: European Security Strategy. Brussels, p. 5.
10. United States National Security Strategy (2015). Washington, DC: The White House, pp. 12-13.
11. Russian Federation National Security Strategy (2015). Presidential Decree No. 683, Art. 83-84.
12. O'zbekiston Respublikasi Mudofaa doktrinasi (2018). O'zbekiston Respublikasi
13. Floyd, R. & Matthew, R.A. (eds.) (2013). Environmental Security: Approaches and Issues. London: Routledge, pp. 1-20.
14. Trombetta M.J. (2008). Environmental Security and Climate Change: Analysing the Discourse. Cambridge Review of International Affairs, 21(4), pp. 585-602.
15. Conca K. & Dabelko, G. (eds.) (2002). Environmental Peacemaking. Washington: Woodrow Wilson Center Press, pp. 1-22.